



Суратда: Пахта терим машиналари механик-ҳайдовчиларининг ханик ҳайдовчиси Адолат Рўзиматова сўзламоқда. Янгийўлда бўлиб ўтган област кенгашида Бекобод районидagi Ленин номи колхозининг ёш ме-М. Нуриддинов фотоси.

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Докладчи ўртоқ Х. Жалилов машина билан пахта терим бошлангунча қадар амалга оширилиши зарур бўлган вазибаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Кўпгина колхоз ва совхозларда пахта терим бошлангунча қадар амалга оширилиши зарур бўлган вазибаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Кўпгина колхоз ва совхозларда пахта терим бошлангунча қадар амалга оширилиши зарур бўлган вазибаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Хосилини аниқ кеч пишиб етилиши, об-ҳаво шароитининг ноқулай бўлишига қарамай бу йил дефляцияни ўтказишда бир қатор тадбирларни амалга оширишга тўғри келди. Бу соҳадagi ишларни 25 сентябргача тамомлашнинг кераклиги аниқланди.

Хосилини аниқ кеч пишиб етилиши, об-ҳаво шароитининг ноқулай бўлишига қарамай бу йил дефляцияни ўтказишда бир қатор тадбирларни амалга оширишга тўғри келди. Бу соҳадagi ишларни 25 сентябргача тамомлашнинг кераклиги аниқланди.

Докладчи кенгаш қатнашчиларининг айтишларига кўра пахта терим машиналарининг умумий ишлаши учун дадаларини машина теримига тайёрлаш, ўзгаларни бағана ўтадан тозалаш, сугориш тармоқларини текшириш ва кўриқларини тузатиш масалаларига қаратилди. Шунингдек бу йил пахтани қўл-қанорасиз ташишга алоҳида эътибор бериш доирасини кенгайтириб ўтди. Агар пахта теримига қўл-қанорасиз жойлаштирилиб, тўғридан-тўғри пахта тайёрлаш пунктларига жўнатилади, мехнат сарфи камади, пахтанинг тап-пархи арзон бўлади.

Ўртоқ Х. Жалилов ўз сўзининг охирида, билинг шундай механик-ҳайдовчиларимиз: бу йил мавсумда қандайдасан 150 минг тонна пахтани машинада тердилар, Катта Кремль, Саройида қадриятли Никита Сергеевич Хрущевга берилган пахтанинг урғун-сидан чиқарилди, она-баташга 500 минг тонна пахта топширишдек юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар, област партия комитети ва област иқтисодий комитети бунга тўла ишонч ҳосил қилди, деди.

Ўртоқ Х. Жалиловнинг докладидан сўнг қизғин музокаралар бошланди. Минбарга биринчи бўлиб Чиноз районидagi Киров номи колхозининг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи, машхур механик-ҳайдовчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Турсун Охунова кўтарилди.

— КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида Катта Кремль Саройида сўзга чиқиб, — деди у, — 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштиришга, машина билан 250 тонна «оқ олтин» теримга ваъда берган эдим. Даламизда ваъдага яраша ҳосил етиштирилди. Эндикда теримни эрта бошлаш учун дефляцияни ўтказмоқдамиз. Мажбурий сўзсиз бажарилади. Ҳозир аjoyиб воқеа юзатишимиз тўғрисида.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“

2-БЕТ, 16 СЕНТАБРЬ, 1960 ЙИЛ

қилантирмоқда. Бу — механик-ҳайдовчи хотин-қизларимиз сафининг кундан-кунга кенгайиб бораётганидир. Мана кўриб турибман. Менинг қаторимда юзлаб она-сингиллар ўтиришибди. Уларнинг кўпчилиги механизация мактабларини шу йил таъмомлашган. Ана шу сингилларим чин рағбидан чиқариб, бу йил мавсумда 150—250 тоннадан «оқ олтин» теримиз, деб эл-юртин ишонтирмоқдалар. Шундай бир пайда мен илгариги мажбурият билан қаноатланиб қолмаман. Кенгаш қатнашчиларини ишонтириб айтаманки, бу йилги мавсумда ўз қадрдан дўстим — ХВС-1,2 машинаси билан 310 тонна «оқ олтин» тераман. Шу мақсадда устозим, Янгийўла районидagi Киров номи колхозининг доғдор механик-ҳайдовчи Борис Шереметини социалистик мусобақага чақираман. Келинг ўртоқлар, кўптонлачи механик-ҳайдовчи дўстларимиз сафи кенгайсин. Бу йил 500 минг тонна пахтанинг қандайдасан 150 минг тоннасини машиналар ёрдамида териб олайлик!

Қишлоқ ҳўжалиги новатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Валентин Тюпко 8 ишчи кучи билан 115 гектар ерда қандайд қилиб мўл ҳосил етиштирилганини, бу ҳосилни машинада териб олиш учун қандайд тадбирлар амалга оширилаётганлиги тўғрисида ўз тажрибаларини сўзлаб берди.

— Бизда 7 киши механик-ҳайдовчи, бир киши сувчи. 81 гектар ерда бедаимиз бор, 41 гектар ерда маккажўхори етиштирилади. Гектаридан 600 центнер ўғинга 1103 центнердан кўпоя олдик. Бедадан ҳам мўл ҳосил етиштирилади. Эндиги асосий эътиборимиз пахта ҳосилини эрта мудатда машиналар ёрдамида сира ноубуд қилмасдан Янгийўла-териб олишга қаратилган. Бригадада 3 та ХВС-1,2 машинаси бор. Бу машиналарда 3 киши навбатма-навбат ишлайди. Қолган икки киши терилган ҳосилнинг қўл-қанорасиз пунктга етказиб берилишини таъминлайди. Яна икки киши терим вақтида эгтарларга тўғридан пахталарни терим билан банд бўлади. Сўнгги бир киши эса етти киши учун эрлар бўлган ёрдамчи қишлоқ бажарди. Ана шу йил билан биз 115 гектар еримизнинг пахтасини машина билан 100 центнер териб оламиз. Биз меҳнат унвондорлигини оғирлиш билан пахтанинг таннарини камайтиришга эришамиз.

Шундан кейин Қўй Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Сотибодиев сўзга чиқиб, бу йил район колхозлариде, айниқса, «УзССР беш йилгига» совхозда пахта ҳосилини машина билан теримга қандайд тайёргарлик кўрилатилганини ҳақда гапирди. Совхозда ҳар хил марказдаги 86 та терим машинаси сифатли ремонтдан чиқарилади. Бу машиналарга 190 кишидан иборат малакали механик-ҳайдовчи брикитилади. Терим икки сменада ташкил этилади. Совхоз механик-ҳайдовчлари икки қаторли машина билан суткасида 6-7 тоннадан, бир қаторли машиналар билан 4 тоннадан пахта теримиз деб, ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар оқидилар.

Совхозда, — деди ўртоқ И. Сотибодиев, — дефляцияни қизғин бошлаш кетди. 20 сентябрдан бошлаб барча терим машиналари тўла ишга тушди, совхоз шу ой ичиде давлатга йиллик планнинг 40 проценти миқдорда пахта топширди.

Кенгаш қатнашчилари Янгийўла районидagi Киров номи колхозининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени механик-ҳайдовчиси ўртоқ Борис Шереметининг сўзларини эр қизғин билан тингладилар.

— Мана шу катта йилгиде, — деди у, — машхур механизаторимиз Турсун Охунова мавсумда 310 тонна пахта терим юзасидан мени социалистик мусобақага чақирди. Мен бу ерда шунинг айтишим керакки, Турсун ой мени шогирдим, мен уни ўқитганман, рулга ўргатганман. Шу шогирд катта йилгиде ўз зимматига шу қадар юксак мажбурият олиб, мени мусобақага чақиради акаи, янагача тоғдек кўтарилди. Шогирдим 310 тонна пахта тераман деб ҳим-

мат қилганидан кейин, мен ундан кам пахта теримим мўмкинми, ахир. Мен ҳам 310 тонна учун астойдил курашаман.

Минбарга Бўка районидagi Охунбобоев номи колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Саодат Гулаҳмедова кўтарилди. У, пахта йил-терими соҳасида оғир меҳнатни енгиллаштириш, теримни тўла механизациялаштириш йўлида улкан-улкан тадбирларни амалга ошираётган, деҳқонларга чинакам ғамхўрлик қил-лаётган жонжон партия ва ҳукуматимизга ўзининг миннатдорчилиги туйғуларини изҳор қилди.

— Бир киши мавсумда 10—15 тонна, кўпи билан 20—25 тонна пахта терди. Мен ўтган йиллари энг юқори кўрсаткичларга эришиб, 30—33 тоннадан пахта тердим. Жонжон ўртоғимиз, дўғонамиз Турсун-чи? У, ўз машинаси билан эл хирмонига 210 тонна «оқ олтин» териб тўқди. Менинг етти йилда терган пахта билан унинг бир мавсумда терган пахтасини солиштириб кўринг-а! Ер билан осмонча фарқи бор! Биз ана шунга ахши тушунуб етдик. Ўзимизнинг Турсун ойимиз нидан боришга аҳд қилдик. Фарту-дан анди рулга ўтамиз, деб механизация мактабиде кунт билан ўқидик. Мана шу кенгашда саф тортиб ўтирган она-сингилларимизнинг ҳаммаси Турсун ойимиз издошлари. Қадрдоним Турсун ой, мен бу йил машинада биринчи йил ишлашим тўғрисида мавсумда 200 тонна «оқ олтин» тераман деб, эл-юрт олдиде сўз бералман. Ишонинг, мен ўз аҳдимнинг улдаси-дан чинаман.

Оққўрган районидagi «Оққўрган» совхозининг бош инженири ўртоқ Қ. Гойибов, бу йил совхозда асосий майдонлардаги ҳосил машиналар ёрдамида терилди, бунинг учун бизда барча имкониятлар бор, деб сўз бошлади.

— Совхоз механизаторлари шу мавсумда давлатга топширилиши лозим бўлган мажбурият ҳисобиде 16200 тонна пахтанинг 7500 тоннасини машиналар ёрдамида териб олдидилар. 114 та машина тахт қилиб қўйилган, 228 механик кадр тайёр. 22 сентябргача барча бўлимларда дефляцияни тамомлашди. Деҳқонларнинг жанговар отряди бўлиш механизация-ҳайдовчилар ўз агрегатларини ишга солидилар. Машина билан пахта терим юзасидан зиммага олинган социалистик мажбурият тўла бажарилади.

Кенгаш қатнашчилари Вревскийдаги қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш мактабининг олти ойлик курсини тамомлаб, жонжон колхозига қайтган Юқори Чирчиқ районидagi «Ш Интернационал» колхозининг аъзоси ўртоқ Минаввар Носировнинг сўзларини эътибор билан тингладилар.

— 1958—1959 йилларда, — деди у, — кўл билан 15—16 тоннадан пахта терган эдим. Бу кенгашда Саодат она жуда тўғри гапни айтди-лар. Мен терган 15 тонна Турсун ой она машина билан терган пахтанинг йиғирмадан бир бўлигини ташкил этади. Шунинг маъини қабиб, Турсун ойнинг нидан боришга қарор қилдим. Ҳозир ХВС-1,2 машинани мойлаб, обатла қилиб тайёрлаб қўйдим. Мавсумда 200 тонна «оқ олтин» терим шарти билан Янгийўла районидagi Свердлов номи колхоз аъзоси, мен билан механизация мактабини тамомлаган дўғонам Насиба Эргашевани социалистик мусобақага чақираман.

Музокарада сўзга чиққан Қўй Чирчиқ районидagi «УзССР беш йилгига» совхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи, механик-ҳайдовчи ўртоқ Мустафо Чачи бу йил ўз бригадасиде етиштирилган ҳосилнинг 80 процетини машинада теримга қарор қилганликларини айтди. Чиноз районидagi «УзССР 30 йилгига» колхозининг тўпқоқчи эвено бошлиғи ўртоқ Фитрат Сефировше янги ХВС-1,2 машинасида 315 тонна «оқ олтин» теримга аҳд қилганлигини, шу мақсадда Турсун ой Охунова билан мусобақалаштиришга тайёр эканлигини айтганда кенгаш қат-

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. Ю. ЮНУСОВГА
«ЎЗБЕКИСТОН ССР ДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ФАНА ВА ТЕХНИКА АРБОБИ»
ДЕГАН ФАХРИЙ УНВОН БЕРИШ Тўғрисида

Самарали илмий тадқиқот, педагогик ҳамда жамоатчилик фаолияти учун ва туғилган кунига 50 йил тулғини муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясини ўлка экспериментал медицина институтини физиология лабораториясининг мудир профессора Аҳмад Юнусовни Юнусовга «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» деган фахрий унвон берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
И БАБКОВ.

Тошкент шаҳри,
1960 йил, 14 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ

И. В. МАРШИНЮККА
«ЎЗБЕКИСТОН ССР ДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ҚУРВУЧИ»
ДЕГАН ФАХРИЙ УНВОН БЕРИШ Тўғрисида

Туғилган кунига 50 йил тулғини муносабати билан ҳамда унинг республика капитал қурилиши соҳасини хизматларини тақдирлаб, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрининг биринчи ўринбосари Иван Витальевич Марцинюкка «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган қурувчи» деган фахрий унвон берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
И БАБКОВ.

Тошкент шаҳри,
1960 йил, 14 сентябрь.

Олий ўқув юртларининг рус тилини ўрганишга баришланган конференцияси

15 сентябрда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залиде олий ўқув юртларининг миллий гуруҳлариде рус тилини ўрганишга бағишланган олий ўқув юртларини олий конференцияси очилди. Мамлакатда биринчи марта ўтказилаётган бу конференцияни ишда қатнашиш учун олий ўқув юртларидан рус тили кафедраларининг ўқитувчилари, педагогика институтларининг ва республика Маорифи министрлиги илмий-тадқиқот институтининг ходимлари, Якутда кўп йилгити олимлар ва мактаб ўқитувчилари тўпландилар. Меҳмонлар орасиде — Москва, Қозонистон, Қирғизистон, Туркмакисон ва бошқа республикалардан келган олимлар ва рус тили ўқитувчилари бор.

Президиумда — Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Тошкент област партия комитетининг биринчи секретари Р. Ф. Гуломов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азизов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Муртазоевлар ўтирибди.

Конференцияни ўрта Осиё политехника институтини директорини ўринбосари профессор Р. Р. Рашидов очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Олий ва ўрта махсус таълим Давлат комитетининг раиси, республика Фанлар академиясининг академиги Т. А. Саримсоков «СССР халқларининг миллий маданиятларини ривожлантиришда рус тилининг аҳамияти» тўғрисида доклад қилди.

Рус тилини ўрганиш, деб таъкидлайди докладчи, мамлакатимизда коммунистлик қурилишининг ҳамда босқинлариде биринчи даражада аҳамиятга эга бўлди. Кўп миллий давлатимиз шароитида рус тили ўз тарихий тараққиётининг илк даврида мураккаб ва хилма-хил маданиятларнинг ўзичи ва бириктиришчи бўлиб майдонга чиқди.

Улғур рус халқининг жушқин воқеалар билан тўлган кўп томонла-

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев Камбоджа давлатининг бошлғи шахзода Нородин Сианукка мактуб юборди. Н. С. Хрущев бу мактубда тинчликсевар Камбоджа халқига, Камбоджа ҳукумати ва шахси шахзода Сианукга ўзининг энг яхши истакларини изҳор қилди. Бу мактуб Совет—Камбоджа дўстлиги госпиталининг очилиши муносабати билан Камбоджага борган совет ҳукумат делегациясининг бошлғи соғлиқни сақлаш министри С. В. Курашов орқали топширилди.

Н. С. Хрущевнинг мактубиде бундай дейилади: Хар иккала мамлакатимизнинг тинч-тотув яшаш принципларига содиқ эканлиги, тинчлигини сақлаш ва мустақамлаш учун ердам беришга қатъий бел боғланганлигимиз халқларимизни бир-бири билан яқинлаштириши ва Камбоджа билан Совет Иттифоқи ўртасидаги самарали ҳамкорлигини ривожлантириш учун кенг ва мустақам асосини вужудга келтирди.

Совет халқи мустақил Камбоджанинг агрессив ҳарбий блокадасида қатъий қаршилик билан ўз суверенитетини ҳурмат қилаётган дунёдаги ҳамма мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ривож-

лантириш сийбсатини қатъийқўллик билан амалга ошириб, эришяётган муваффақиятларини самийини эътибор ва эр муҳаббат туйғуларини билан кузатиб турибди.

Н. С. Хрущев айтганича, Совет Иттифоқи Камбоджанинг империялистлар кирдиқорларига қарши, ўз суверенитетини мустақамлаш ва мустақил миллий тараққиёти учун олиб бораётган адолатли курашини Камбоджанинг содиқ ва беғараз дўстидир.

Шахзода Нородин Сианукнинг жавоб мактубиде бундай дейилади: Камбоджа халқи Совет Иттифоқини ўзининг чинакам ва беғараз дўсти деб билади ва суверенитетини мустақамлаш ҳамда ўз тараққиёти ва прогрессини мувофиқлаштириб олиб бориш учун курашда Совет Иттифоқининг сидиқиди ердам қўрсатишига аминдир.

Кхмеро—Совет дўстлиги госпитали дейди шахзода Нородин Сианук. — СССР ҳукумати ва халқларининг Камбоджа ҳукумати ва халқига энг қимматли совғасидир. Бу совға СССР нинг қороллиқда қасалини ва ўлимга қарши олиб бораётган курашга ўз тинчлик ҳиссасини қўйишини истаётганлигини небот етувчи энг яхши далилдир. (ТАСС).

Совет Иттифоқи ҳукумати Б о ш Ассамблеянинг XV сессиясида делегациясининг нормал ишлашига ҳалақит бериш йўлидаги гайри қонуний уришларга қарши норозилик билдирди. СССР ҳукумати БМТ марказий муассасаларининг истиқомат жойи тўғрисидаги битим юзасидан ўз анимасига олган мажбуриятларни АҚШ ҳукумати и н г сўзсиз бажаришичи қатъий талаб қилади.

АҚШ ҳукуматида Совет ҳукуматининг норозилик нотаси

СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилати ҳузуридаги бақолатхонаси шу йил 9 сентябрда Қўшма Штатларнинг БМТ ҳузуридаги миссиясидан АҚШ ҳукуматининг ас-лалик хатини олди.

Ана шу асалик хатиде СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрущевнинг ва БМТ Бош Ассамблеясининг XV сессиясида қатнашувчи совет делегацияси аъзоларини тўғи «гегишча қўриқлашчи таъминлаш» баҳонаси билан совет делегациясининг бошлғи — СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрущевнинг бир жойдан иккинчи жойга боришини БМТ тарихида мисли кўрилмаган даражада чеклаб қўйишга ҳарақат қилинади. Эдвалик хатиде, жумладан, Н. С. Хрущевнинг юрпини Махэттен (Нью-Йорк шаҳри райони) билангина чеклаб қўйиш шарт қилиб қўйилди.

СССР ҳукумати ана шундай ҳарақатлар муносабати билан АҚШ ҳукуматига норозилик нотаси юбор-

Ю. Циранкевич Тошкентда

Афғонистон, Хиндистон ва Цейлонга расмий визит билан бораётган Польша Халқ Республикасини Министрлар Советининг Раиси Ю. Циранкевич 15 сентябрда тоғ пайтида Ўзбекистон поштахонасиде, Ушша, Ташки ишлар министрлигининг ўринбосари М. Намиков, Ташки савдо министрлигининг ўринбосари Я. Буракевич, Ташки ишлар министрлигининг протокол бўлими мудир Е. Грудзинский, Ташки ишлар министрлигининг бўлими мудир З. Волыняк ва Польша ишларини бошқа расмий кишилари, шунингдек Афғонистоннинг Польшадаги элчиси Саид Қосим Рини тили ҳамроҳ бўлиб бормоқдалар.

Тошкент аэродромиде Польша Халқ Республикасини, Совет Иттифоқини ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари кўтарилиди. Ҳурматли меҳмонни кутиб олиш учун бу ерга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ташки ишлар министри С. О. Азизов, Ўзбекистон ССР Олий Совети

Ташки ишлар комиссийининг раиси Ф. С. Сулейманов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Муртазоев, республика министрлар С. М. Мухамедов, А. А. Саримсоков, Тошкент шаҳар иқтисодий қўмитетининг раиси Х. О. Маъруф, Ўзбекистон Телеграф агентлигининг директор Р. С. Сахидов, Ўзбекистон ССР Ташки ишлар министрлигининг ўринбосари Я. А. Рустамов келидилар.

Самовлет киши вақт Тошкентда тўхтаб турганда Польша Халқ Республикасини Министрлар Советининг Раиси шарафига зияфат берилди. Самиллат ва дўстлик вазиютида ўтган бу зияфат вақтида С. О. Азизов ва Ю. Циранкевич СССР ва Польша халқлари ўртасида дўстлигини янада мустақамлаш ва ривожлантириш учун қадаҳ кўтардилар.

Зияфатдан кейин Ю. Циранкевич ва унинг ҳамроҳлари Тошкентдан Қобилга жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ)

У чизган манзараларда кундан-кунга гуллаб, яшнаб бораётган социалистик қишлоқларимизнинг қиёфаси ўз ифодасини топган.

Тошкентликлар Иваново музикали комедия театрининг бу спектаклини завқ билан тамоша қилиб, театр ижодий коллективидан мамнун бўлмоқдалар.

Ф. ЖУРАЕВ.

**„ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ“**

3-БЕТ, 16 СЕНТЯБРЬ, 1960 ЙИ

КОЛХОЗ БРИГАДАЛАРИДА САТИРА БАРАҚАЛАРИ

БҲКА, (ЎзТАГ). Пахта йигим-терими вақтида Оққўрғон районидagi Ленин номи колхозга қарашли ўрта бригаданинг ҳаммасида «Муштум» сатира барақалари чиқарила бошланди. Бу ишда комсомоллар айниқса актив қатнашмоқдалар.

Ўртоқ Малик Тўланов бошлиқ бригаданинг дада шийпониди чиқаришда «Муштум»нинг биринчи барақаси яхши беватилган. Теримнинг дастлабки кунларида совуқдонлик билан ишлаётган кишилар ёрқин кариатура ва ўткир эпиграммаларда танқид қилинган. Барақада пахта машина билан теришга тайёргарликнинг боришига кўп эътибор берилган. Биринчи бригадани чиқаришда «Муштум» барақасида пахта териш машинасининг механик хайдовчиси С. Музаффаров қаттиқ танқид қилинади. Ремонт вақтида Музаффаров ўз машинасини чиройли қилиб бўёдан чиқарган. Лекин текшириш вақтида машинада кўпгина нуқсонлар борлиги аниқланди.

Бригадаларда ҳар ҳафтада сатира барақалари чиқариб туришга қарор қилинди.

ЯНГИ ЗАВОД ИШГА ТУШИРИЛДИ

БҲКА. Бу ерда янги пахта тозалаш заводи ишга туширилди. Корхона энг янги машина-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, кўпгина иш процесслари механизациялаштирилган. (ЎзТАГ).

ОХАНГАРОНДА ИНСТИТУТ ФИЛИАЛИ

ОХАНГАРОН (ЎзТАГ). Бу ерда Охангарон кон-қурилиш техникуми базасида Ўрта Осиё политехника институтининг Кенчи филиали очилди. Қабул комиссияси асосий ишдан ажралмаган ҳолда олий маълумот олишни истаган қончилар, энергетиклар ва қурувчилардан ҳозирда 130 ариза қабул қилиб олди.

Филиалда ҳафта сайин махсус ва умумий фанлар бўйича обзор лекциялар, шунингдек топшириқлар ва курс лойиҳалари бўйича консултациялар ўтказилиб туради.



Бекобод шаҳридаги 3-ўрта мактабнинг кимё, физика лабораториялари кўргазмали ўқув қуроллари билан тўла таъминланган. Суратда: ўқитувчи А. Катанов ўқувчилар билан янги келтирилган физика асбобларини кўздан кечиришди.

ҲАМИЯТГА ЭГА БУЛГАН ВОҚЕА

БМТ Бош Ассамблеясининг 20 сентябрда Нью-Йоркда очилган сессияси яқинлашган сари бутун дунёда унга бўлган қизиқинч тобора ўсмокда. Бош Ассамблеянинг ҳозирга қадар бўлиб ўтган 14 сессиядан бирортаси ҳам бўлидиган сессиядек зўр эътиборни жалб этган йўли, деб айтасан муволаба қилган бўлмаймиз. Францияда чиқадиган «Орор» номидаги газета XV сессия БМТ тарихида алоҳида ўрин тутаяди, деб таъкидлаб, уни «энг сенсацион» сессия деб атайд.

Сессиянинг аҳамиятига юксак баҳо берилаётганлиги, жумладан, шу факта асосланганлиги, унинг 84 масалани ўз ичига олган кун тартибда ёппасига ва батамом қўрсонилган проблемаси, шунингдек АҚШнинг СССРга қарши агрессив ҳаракатларига, халқларнинг миллий мустақиллигига, уларнинг иқтисодий тараққиётига доир масалалар биринчи ўринда турибди. Сессия ишида юзга яқин давлат қатнашади, шу билан бирга улардан бир қанчаси сессияда биринчи марта иштирок этади. Бу мамлакатлар миллий мустақилликка эришиб, эндиликда халқларо майдонда актив ҳаранат қилмоқдалар.

Н. С. Хрущевнинг Совет делегацияси бошлиғи бўлиб сессияда қатнашиш учун Нью-Йоркка боришига, шунингдек бир қанча бошқа мамлакатлар атоқли давлат арбобларининг бўлидиган сессияда қатнашувларига ҳамма жойда биринчи даражали аҳамиятга эга

АХИЛ ОИЛА



Иш кунини тамом бўлди. Аёл устидаги оппоқ халатини ечиб, кўларини ювди. Касалхона эшигини чиқиб, уйи томон йўл олди. Уй оstonасига қадам қўяр экан, ястатилган, тўқини стол, гул букетлари, байрам либосидаги хона уйи таъжужублантирди.

— Нима гап ўзи, Зокиржон ака! Қанақа байрам?

— Бугун натта байрам. Биз учун бу кун шундай қимматлики, у сендай яқин ва қадрдон одамни бизга еттиштирган кун.

— Ҳа, ростдан ҳам бугун Рашида Тарзиева туғилган кун эди. Киши ҳаётида шундай дақиқалар бўладими, уни сира эсдан ўчмайдиган қилиб, алоҳида нишонлаганинг келад.

Зокир одатдагидан анча барвант ишдан ҳайтибди. Чарчаб келганлигига қарамай, олдиға фартук

тутиб олиб, ошхонага кириб кетди. У анчагача овқатлар билан овора бўлди. Сўнг ҳафсала билан столни ясади. Иккинчи қиз Алфия ҳам дадасига кўмаклашди. Тарзиевларнинг ювди, буфет ва телевизорларнинг чангини аркти, кейин нартошка тозалашга ўтирди. Шу орада оиланинг тўнғич фарзанди Неля ҳам етиб келди. Оилани кўтиб олишга ҳамма нафас тарт эди.

— Рашида, бугун сенинг қўлингини ишга урдирмайми, энг ҳурматли меҳмонимизсан. Ҳамма юмушларни ўзимиз бажарамиз, хотиниға уқдирди Зокир.

Қандай илир, қандай ёқимли сўзлар! Дўстлар келишди. аҳил оила стол атрофиға ўтирди. Зокир биринчи қадаҳини қўлиға олиб, умр йўлдошини чин қалбдан табриклаб, зўқ умр, сикат-саломатлик тилади. Қизчаларнинг табриғи ҳам юракнинг нозик торларига бориб етди.

Тарзиевлар оиласи байрамларни ана шундай тантанали, уюшган ҳолда нишонлашга одатланган.

Зокир ва Рашида қўвончли кунда ҳам, оғир туюлган дамлларда ҳам доим бир-бирларига ҳамдам, маслаҳатгўй. Рашида 17 йилдан бунда 4-шаҳар касалхонасининг хирургия бўлимида медицина ҳамшираси бўлиб ишлайди. Зокир аса, Тошкент област карантия инспекциясида старший агрономдир.

Бу оила дам олиш соатларини доимо биргаликда ўтказад.

Зокир ва Рашидалар хонадонини сингари аҳил ва бахтли оилалар бизда жуда кўп. Бундай оилалар ҳавас қилса, улардан ўрнган олса арзийди.

Н. ОМОНОВА.

ЁШ ТЕХНИКЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Бу йил ёш техникларнинг республика станцияси аъзолари учун жуда қўвончли йил бўлди. Ёш техниклар томонидан ишланган турли асбоб-ускуналар Ватанимизнинг кўпгина шаҳарларидаги пионер уйлари ва саройларига таъриба алмашин мақсадида юборилди.

Шу кунларда станция ана шу бўйламнинг жуда яхши ишланганлиги ҳақида хат-хабарлар олиб турибди.

СССР Халқ хўжалиғи ютуқлари виставкасида намойиш қилинаётган кичик табаритли машина, электр соат, аррачалар юқори баҳо олди.

Бу ютуқлар ёш техникларнинг ижодий ғайратини тағин ҳам ошириб юборди. Станцияда ижодий иш қизғин бормоқда.

Радио тўғарагининг машғулотлар олиб борадиган хонасида алоҳида стендларга қўйилган бир ва кўп лампалар, қисқа ва уятра тўқинили радиоприёмниклар ҳамманинг эътиборини ўзига жалб қилади. Яқин кўнлар ичида радиокомбайн ҳам қуриб тамомланади.

Ёш кинооператорлар аса «Етти йиллик йўлдошлари» деган фильм учун Чехословакияда бўлиб ўтган халқаро кинофестивалда биринчи даражали диплом билан тақдирландилар.

Шу кунларда ёш техниклар методист ўртоқ Т. Каримов раҳбарлигида кўргазмали ўқув қуроллари ясашни давом эттирмоқдалар. Кейинчалик булар пойтахтдаги мактабларга таътиқ қилинади.

Д. МУМИНОВА.

Телевизор экранида

16 СЕНТЯБРДА
19.30. «Музыкали алияфе» (рус тилида иккинчи эмитириш).
19.50. «Совет Туркманистони» киножурнали.
20.00. Халқаро масалалар

юзасидан рус тилида эмитириш.
20.15. Сўнги ахборот.
20.35. «Гусли». Рус тилида эмитириш.
21.05. Фильм-спектакль «Бир стакан сув».

Совет ҳукумат делегацияси Сталинштадтда

СТАЛИНШТАДТ, 13 сентябрь. ТАСС мухбири А. Тюпаев хабар беради:

СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР ҳукумат делегацияси бугун Сталинштадт шаҳрига саёхат қилди. Бу шаҳар Польша Халқ Республикаси билан чегарадош жойға яқин Франкфурт-Одер округида жойлашган. Германия Демократик Республикаси ички ишлар министри К. Марон делегациянинг сафарига унга ҳамроҳ бўлиб борди.

Совет ҳукумат делегацияси тушган автомашиналар туш пайтига яқин шаҳар муассасалари жойлашган бино ёнига келиб тўхтайдилар. Сталинштадт овер-бургомистри Макс Рихтер Л. И. Брежнев, М. Г. Пернух и Д. Ф. Устиновларни самийий табриклади. Макс Рихтер уларни шаҳарнинг вужудга келиш тарихи билан таништирди, келгусидаги планлар ҳақида сўзлаб берди.

Л. И. Брежнев ва делегациянинг бошқа аъзолари металлургия комбинати билан зўқ вақт танишиб чикдилар.

Корхона кўздан кечирилганидан

кейин совет ҳукумат делегациясининг аъзолари шаҳар маъмуриларининг вакиллари ва металлургия комбинати дирекциясининг вакиллари билан ўртоқларча суҳбат қилдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг қисқача нутқида делегацияни яхши кўтиб олганликлари учун ташаккур изҳор қилди ва шаҳар аҳолисинга ҳамда комбинат меҳнаткашларига совет кишиларининг гўят самийий дастакларини топишди. Ўртоқ Л. И. Брежнев совет кишилари Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги дўстлик абадий дўстлик бўлиб қолиши учун ҳамма чораларни кўрадилар, деди.

Л. И. Брежнев Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг социализм қурилишида катта муваффақиятларга эришшларини тилади.

Делегация аъзоларининг комбинатни келиб кўриш хотираси учун уларга совғалар тақдим этилди.

Шундан кейин делегация автомашинада тушиб, шаҳар бўйлаб саёхат қилди.

ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН БЕЛГИЛАНГАН ЧЕКЛАШЛАР БЕКОР ҚИЛИНГАН

НЬЮ-ЙОРК, 14 сентябрь. (ТАСС). Кеча кечқурун СССР ташиқ ишлар министрининг ўринбосари В. А. Зорин БМТ бош секретари хузурида бўлди ва унга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хузуридаги Америка миссиясининг шу йил 9 сентябрдаги асдалик хати муносабати билан Совет ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига юборган норозилик нотаси нуҳасини топишди.

Хаммаршельд номига ёзилган ило-

ва хатда, жумладан, айтиладики, СССР нинг БМТ хузуридаги ваколатхонаси Совет делегацияси бошлиғи Н. С. Хрущевнинг юриши учун АҚШ маъмурилари томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан миссиясининг шу йил 9 сентябрдаги асдалик хати муносабати билан Совет ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига юборган норозилик нотаси нуҳасини топишди.

ЯПОНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНING МУРОЖААТИ

ТОКИО, 14 сентябрь. (ТАСС). Япония Коммунистик партияси меҳнаткашларнинг турмуш шароитини, социал таъминотини ҳамда уларга медицина хизматини яхшилаш ҳақидаги талаблар остиға имзолар тўпалаш юзасидан бошланган кампанияни авж олдириш ҳақидаги тақдир қилган. Коммунистик партия ана шу кампания давомида ҳукумат ва ҳуқуқор партия сиеатининг мохиятини фаш қилиб ташлайди, ҳамда Япония меҳнаткашлари талабларининг қондирилиши учун қатъийат билан курашади.

ОЛИМПИАДАДА УЛАР — «БУЮК АМЕРИКАЛИКЛАР», ЎЗ ЮРТЛАРИДА-ЧИ?

НЬЮ-ЙОРК, 14 сентябрь. (ТАСС). АҚШнинг кўпгина спорт экспертлари, шу жумладан Халқаро олимпиада комитетининг президенти Бран-

дейж негр спортчилари Ўим олимпиадасида Америка командасининг умумий натижасига жуда катта ҳисса қўшганликларини эътироф этмоқдалар. Олимпиада кунларида чиққан газеталар негр спортчиларини «буюк америкаликлар» деб атади. Улар шу чоққача ирқий камситиш сиеатига ҳўкм суриб келаётган АҚШға қайтаганларидан кейин ҳам бу спортчиларни ўзларининг энг улкан ва содиқ дўсти деб атайдилар. Улар шу нарсасга амин бўлишлари мумкин, бу дўст уларни миллий озодлик ҳаракатининг машқул пайталада ёлғиз қолдирмайд.

Секу Туренинг СССРга қилган сафарига яқин ясаган Совет-Гвинея қўшма ахборотида халқлар тинчлигини ва хавфсизлигини таъминлашнинг асосий масалаларида иккала ҳукуматнинг қарарлари умумий бўлганлиги таъкидланади ҳамда Совет Иттифоқи Африкадаги миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаётганлиги учун унга Гвинея ҳукуматининг миниятдорчилиги изҳор қилинади. Секу Туренинг Совет раҳбарлари билан қилган суҳбатлари давомида СССР билан Гвинея ўртасида бундан кейинги иқтисодий ҳамкорлик масалалари ҳам муваффақиятли ҳал этилди. СССР, жумладан, Гвинеядаги Конкуре дарёсида гидротехника иншоотлари комплекс қурилишида қатнашади.

Секу Туре Мўгулустон Халқ Республикасида ҳам бўлди ва ҳозир халқ Хитойида меҳмон бўлиб турибди. Унинг социализм мамлакатларига қилаётган сафари, «Эфиопия геральди» газетасининг таъкидлашича, Африка халқларининг бошқа мамлакатлар билан дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу дўстлик миллий озодлик ишининг бутун Африка қитъасида галаба қилишига гаровдир.

В. ХАРЬКОВ.

ОҚ УЙНИНГ БАЁНОТИ

ВАШИНГТОН, 14 сентябрь. (ТАСС). Оқ уй кўп ташвишлар тортиб, зўқ баш қотирганидан кейин бугун расмий баёнот бериб, президент Эйзенхауэр Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси сессиясида 22 сентябрда нутқ сўзлайди ва шу нутқида қандайдир «конкрет тақлифлар» киритади, деб эълон қилди.

Оқ уйнинг баёнотида айтилишича, гарчи Эйзенхауэр нутқ сўзлаб бўлганидан кейин, Нью-Йоркдан Вашингтонга қайтиб кетса ҳам, бинобарин, Бош Ассамблея сессиясидаги Америка делегациясига давлат секретари Гертер бошлиқ бўлиб қолса ҳам, аммо, президент сессияда нутқ сўзлашга қарор қилганлигини Совет Иттифоқининг тинчликка қаратилган ташаббусини қатъий равишда қўллаб-қувватлаётган жаҳон жамоатчилигига номозликдан ён бериш бўлди, деб ҳисобламаслик мумкин эмас.

НАСТРО БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНING СЕССИЯСИДА ҚАТНАШАДИ

ГАВАНА, 14 сентябрь. (ТАСС). Куба республикаси президентининг секретариати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясига қатнашадиган Куба делегациясининг составини эълон қилди.

Куба бош министри Фидель Кастро делегация бошлиғи қилиб тайинланган. Делегация составига ташиқ ишлар министри Рауль Роа, Кубанинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотиди доимий вакили Мануэль Бисбе Альберни ва ер ишлоти миллий институтининг директори Антонио Нуньес Хименес киради.

СОТҚИН ЧОМБЕГА ҚАРШИ КЎЗГОЛОН

ПАРИЖ, 15 сентябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Элизабетвилдан хабар беради: Манонода (Катанганинг кон-руда району) 13 сентябрь кечқурун африкаликлар яшайдиган маҳаллада сотқин Чомбе ҳукуматига қарши кўзголои бошланди. Ҳозир Манонода ахвол кескин бўлиб турибди.

Олинган дастлабки маълумотларга қараганда, Чомбе армияси ва полициялари билан бўлган тўқнашувлар натижасида граждн аҳолидан 70 киши ўлдирилган. Чомбе Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўшинларининг кўмондонлигини қўзғолонни бостирмоқ учун Манонога авиация билан ёрдам юбориш учун ижозат олишга уринмоқда.

Информация агентликларининг хабарларида айтилишича, Маноно яқинида Чомбе қўшинлари билан аҳоли ўртасидаги жанглар 24 соатдан кўпроқ вақтдан бери давом этмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ VI СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети шаҳар Совети депутатларига маълум қиладики, бугун соат 15 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида шаҳар Советининг VII чакриқ VII сессияси бўлади.

Кун тартибидида — «Шаҳардаги давлат фонди ихтиёридаги турар жой биноларнинг аҳоли, улардан фойдаланиш ва ремонт қилини ахшилаш тадбирлари ҳақида»ги масала.

Депутатлар бугун соат 14 дан бошлаб Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида рўйхатга олинади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ИЖРОКОМИ.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИГА

ёнидан сақлаш қоровул охранис ҳодимлари ва гардеробчилар (эркак ва хотин-қизлар)

керак

Театрини кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА

1961 йил учун

якка обуна қабул қилиш бошланди

Обуна алоқа бўлимида ва Тошкент почтамини, «Союзпечать»нинг Тошкент шаҳар бўлимида соат 9 дан 19 гача, лиянба кунларида аса соат 9 дан 18 гача, шунингдек фабрика, завод, муассаса ва шўр юрларидиға жамоатчи вакиллар томонидан қабул қилинади.

Бирлашган нашриёт.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакция мизнинг

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БУЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 126 Совет курилиш бўлими — 136, Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Кишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Сановат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115, Эълонлар бўлими — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмаховаси.

Нашр. А. 1873.